Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 25 май • Сешанба • № 60 (14088) ترکستان ✻ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Аждодлардан мерос дўстлик

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ НАРАСИМХА РАОНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ

23 май куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида ҳурматли меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ҳиндистонлик меҳмонларнинг ташрифи жуда хайрли ишдан бошланди. Ислом Каримов ва Нарасимха Рао жаноби олийлари Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари ўртасидаги сулҳ ҳужжатини имзолаш учун 1966 йилда Тошкентга ташриф буюрган чоғида яшаган масканда бўлиб, унинг шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйишди. Маросимда халқлар ўртасида тинчлик ўрнатишга беқиёс ҳисса қўшган йирик жамоат арбобининг порлоқ хотираси ёдга олинди. Маълумки, Лаъл Баҳодир Шастри Ҳиндистон тарихидаги бу муҳим ҳужжатни имзолаганидан сўнг Тошкентда оламдан кўз юмган эди. Шу ўринда Нарасимха Рао жанобларининг қуйидаги сўзлари ёдга келади: Лаъл Баҳодир Шастри ҳамиша барҳаёт, чунки у Ҳиндистон халқининг тинчлик ҳақидаги эзгу ниятини амалга оширди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раога совғалар тақдим этди. Уша куни Президент Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао яккама-якка мулоқотда бўлдилар.

Бу пайтда ҳар икки мамлакат расмий делегациялари ҳам ўзаро музокараларни бошлади. Музокараларда икки мамлакат ўртасида имзоланажак ҳужжатлар хусусида фикрлашилди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг сафар дастури ғоят тиғиз ва сермазмун тузилган эди. Олий мартабали меҳмон Тошкент шаҳридаги ҳинд тилига ихтисослашган 24-мактабга ташриф буюрди. 1956 йилда Ҳиндистоннинг йирик давлат арбобларидан бири Жавоҳарлаъл Нерунинг Ўзбекистонга ташрифи муносабати билан ушбу мактабга асос солинган эди.

Мактаб ҳовлисида мартабали меҳмонни ўқувчилар гулдасталар билан кутиб олдилар. Бош вазир ҳинд халқининг улуғ фарзанди, йирик давлат ва жамоат арбоби Л. Шастри ҳайкали пойига гуллар қўйди ва унинг руҳини ёд этди.

Меҳмонлар мактабдаги Ҳиндистон Республикаси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи музейни ҳам томоша қилдилар.

Шундан сўнг Ҳиндистон Бош вазири билан мактаб жамоасининг учрашуви бўлди. Ўқувчилар ҳинд мусиқа ва рақсларини ижро этиб, йиғилганларни хурсанд қилишди.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао мактабдаги учрашувдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов мамлакатимизнинг йирик фан арбоблари, ҳиндшунос олимлари номидан Бош вазирни қутлади.

Институт директори А. Ўринбоев меҳмонларни институт тарихи ва фаолияти билан қисқача таништирди. Сўнг Бош вазир жанобларига Ҳиндистоннинг йирик давлат ва жамоат арбоблари, олимлари, шоир ва ёзувчилари асарларининг республикамизда нашр қилинган нусхалари совға сифатида тақдим этилди.

Олий мартабали меҳмон кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорлик билдириб, бу ерда сақланаётган қадимий қўлёзмалар билан танишди ва институтнинг хотира дафтарига ўз дастхатини ёзиб қолдирди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ташрифининг иккинчи куни ҳам хайрли тадбир билан бошланди. Бош вазир жанублари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтнинг «Ўзбекистон» кўчасидаги Ҳиндистон элчихонаси янги биносининг қурилиши бошланиши муносабати билан ўрнатилган ёдгорлик лавҳаси очилиш маросимида иштирок этди.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта маросимни очиб, йиғилганларни ушбу тарихий воқеа билан қутлади.

— Бу ерда қурилажак элчихона биноси ўзбек ва ҳинд ҳалқларининг дўстлик уйи бўлади, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. — Келажакда амалга ошадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг ривожланишига катта ҳисса қўшади. Элчихона вакилларига бу борада катта муваффақият тилайман.

Ўз навбатида Ҳиндистон Бош вазири янги элчихона қурилишига Тошкентнинг энг кўркам кўчасидан жой ажратилгани учун Президентга миннатдорлик изҳор этди. Элчихона, ҳақиқатан ҳам, икки халқнинг дўстлик маскани бўлиб қолишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири янги элчихона биносининг лойиҳаси билан танишдилар. Шундан сўнг Ислом Каримов ва Нарасимха Рао жанублари ёдгорликнинг мармар лавҳасини очдилар.

Уша куни Нарасимха Рао бошчилигидаги расмий делегация аъзолари Хоразмни зиёрат қилдилар.

Меҳмонлар қадимий Хиванинг тарихий обидаларини томоша қилдилар. Кўҳна Арк дарвозахонасида бир пиёла чой ичдилар.

Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов азиз меҳмонлар шарафига зиёфат уюштирди. Уша куни меҳмонлар Тошкентга қайтишди. Сафар чоғида уларга республикамиз Бош вазири А. Муталов ҳамроҳлик қилди.

Халқлар Дўстлиги саройида Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Нарасимха Рао иштирокида Ўзбекистон — Ҳиндистон музокаралари бўлди.

Расмий делегациялар музокаралари якунланиши билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилувчи ҳужжатларни имзолашга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида фойда ва мулкка икки ёқлама солиқ солмаслик тўғрисидаги, ҳаво йўли тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда ўзаро англашма тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Сўнгра Ўзбекистон — Ҳиндистон музокаралари якунлари юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари ғоят самарали бўлгани, Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқларининг аждодлардан муқаддас мерос бўлиб қолган анъанавий дўстлиги, ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш имконини берадиган муҳим ҳужжатлар имзолангани қайд этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар беришди.

Бугун Бош вазир Нарасимха Рао раҳбарлигидаги Ҳиндистон ҳукумат делегацияси аъзолари Олма-Отага жўнаб кетишади.

(ЎзА).

* * *

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао Тошкентдаги Л. Шастри номли мактаб ўқувчилари даврасида; Ҳиндистонлик меҳмонлар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида; Ҳиндистон Республикаси Бош вазири кўҳна шаҳар Хивада.

ЎзА суратлари.

Марказий Кенгаш пленуми

«Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис партиянинг навбатдаги қурултойини 1993 йилнинг августида чақиришга қарор қилди. Қурултой муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1) Марказий Кенгашнинг ҳисоботи;

2) Партия Низоми ва Дастурига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида;

3) Партия раҳбар органларини сайлаш.

Марказий Кенгаш мажлисида «ЭРК» демократик партиясининг Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар ва ҳаракатларга, барча фуқароларга мурожаати қабул қилинди.

«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА, ҲАРАКАТЛАРГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Ўзбек халқи ўзининг асрий орзусига эришди: сиёсий мустақиллик қўлга киритилди. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо қилиш, барча ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига асосланадиган жамият қуриш йўлига ўтилди.

Бугун халқимиз ўтиш даврига хос бўлган табиий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Демократия ва сиёсий плюрализм меваси сифатида майдонга келган ва ҳокимият томонидан тан олинган «Эрк» партияси ҳам ўзига хос қийинчиликлар ва синовлар йўлидан ўтмоқда. Ҳокимият билан муҳолифат ўртасидаги зиддиятлар ва келишмовчиликларнинг кучайиши ва таранглашувидан манфаатдор бўлган кучлар, афсуски, Ўзбекистоннинг ўзида ҳам, уннинг ташқарисида ҳам борлигини биламиз. Биз бундай зиддият, қарама-қаршилик ва тарафкашликни ўз мустақиллигини қўлга киритган ва уни мустаҳкамлаш учун курашаётган давлатимиз учун хавфли ва зарарли деб ҳисоблаймиз, бу — миллий бирлигимизга путур етказиши мумкинлигини тушунамиз. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг тарихий ўтмишидан оқилона сабоқ ва амалий хулосалар чиқаришимиз лозим. Миллий бирлик бўлмаганлиги туфайли Ватанимиз чор Россиясининг мустамлака асоратига тушиб қолмаганмиди? Миллий бирлик бўлмаганлиги оқибатида қизил империя зулм кишанларини халқимиз бўйнига илмаганмиди?

Бугун тарих бизга мустақил тараққиёт йўлини инъом этди. Бу миссияни бажариш ҳаммамизнинг зиммамизга тушди. Агар тарих тақозоси билан вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланмасак, миллий бирлик, ҳамжиҳатлик ва соғлом муҳитни яратиб, Ўзбекистон мустақиллиги ва равнақи йўлида жипслашмасак, тарих бизнинг хатомиз, нодонлигимиз ва ландовурлигимизни ҳеч қачон кечирмайди, келажак авлодларимиз олдида юзимиз шувут бўлиб қолади. Чунки собиқ империянинг марказида комфирқани, совет империясини тиклаш учун ҳаракат қилаётган кучлар мавжудлигини кўриб турибмиз. Бундай кучлар Ўзбекистоннинг ўзида ҳам борлиги сир эмас.

Азиз биродарлар! Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг тараққиёт йўлидан боришини таъминлаш учун миллий бирдамликни яратишнинг бирдан-бир тўғри йўли республикадаги барча соғлом кучларни, сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва уюшмаларни Ўзбекистоннинг умумхалқ сайловлар натижасида сайланган Президенти Ислом Каримов атрофида бирлашишидан иборат деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаб туриш вазифаси ҳар қандай синфий, партиявий ёки шахсий нафсониятлардан юқори туриши лозим. Ҳурматли академигимиз Ш. З. Ўразаев «Халқ сўзи» рўзномасининг шу йил 3 март сонида чоп этилган «Конституция: ҳокимият ва муҳолифат» деб номланган мақоласида қуйидаги ҳақ гапларни айтганлар: «Ҳокимият билан муҳолифатнинг муросада яшаши ҳар қандай демократик жамиятда оддий бир ҳолатдир... Ҳокимият билан муҳолифат ўзаро жанжаллашмаслиги, балки муросаи мадора қилиши, ҳар хил йўллар билан бўлса ҳам, аммо бир тарафга — тинчлик, осойишталик ва равнақ тарафига қараб бориши керак».

«Эрк» демократик партияси ўз дастуридаги мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ҳаракат қилишга қаратилган бош стратегик мақсаддан келиб чиқиб, Ўзбекистон Президенти И. Каримов олиб бораётган сиёсатнинг асосий йўналишларини маъқуллайди ва у билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиради. Тинчликсеварликдан иборат ташқи сиёсат; Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш; мамлакатда осойишталик ва барқарорликни таъминлаш; халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигига қаратилган миллий сиёсат; кучли ижтимоий сиёсат; жиноятчиликка, айниқса уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни кучайтириш; кучли ижрочи ҳокимиятни яратиш; мустақиллик мафкурасини яратиш — буларнинг ҳаммаси «Эрк» демократик партияси томонидан қўллаб-қувватланади.

Хуллас, ҳокимият билан муҳолифатнинг позициялари умумий бўлган йўналиш ва нуқталар бир талай. Булар ҳокимият ва муҳолифатни бир-бирига яқинлаштирса, вазиятни янада барқарорлаштиришга хизмат қилса, муҳим ислоҳотларни амалга ошириш учун омил бўлса, айни муддаодир. Ана шу ниятлардан келиб чиқиб, «Эрк» партияси ҳокимият билан ҳамкорлик сари қадам қўйди.

Биз Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар ва ҳаракатларни, барча ижтимоий гуруҳлар ва турли миллатларга мансуб фуқароларни яхши ниятлар ва мақсадлар йўлида бирлашишга, давлатимиз олдида турган қийинчиликларни босиб ўтишда бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишга чақирамиз.

«Эрк» демократик партияси Марказий Кенгаши

1993 йил, 16 май.

ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1993 йил 19 май куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантириш жамғармасининг низоми рўйхатга олинди.

Шуингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг низомларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари қайта рўйхатдан ўтдилар.

АЛЛА КУЙЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ҳозир республикамизнинг ҳамма вилоятларида давом этаётган алла қўшиқлари ижрочиларининг иккинчи республика танловига «Алла-93» номи берилган. Танловнинг якунловчи босқичи май ойининг охирида Тошкентда ўтади. Танловдан кўзда тутилган мақсад унутилган анъаналарни тиклаш, халқнинг бой мусиқий анъаналарини сақлаб қолиш ва оммалаштиришдир. Бу тадбирни Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги халқ ижоди республика-илмий услубий маркази ташкил этган.

Алла қўшиқлари республикамизда алоҳида мусиқа жанри ҳисобланади. Унинг анъаналари Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида айниқса, яхши сақланиб қолган. Танлов шартларига кўра ҳар бир ижрочи иккита алла қўшиғини намойиш этиши керак. Улардан бири халқ сўзи билан айтилдиган қўшиқ бўлса, иккинчиси замонавий бастакорлар ёзган қўшиқдир. Бундан ташқари танлов қатнашчилари аллани ижро этиш билан бир вақтда боланинг туғилиши, уни тарбиялаш билан боғлиқ бирор маросимни акс эттириши керак.

Чинакам мустақиллик мафкураси

Бугун Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий фанларни ўқитиш муаммолари»га бағишланган илмий-амалий анжуман иш бошлайди. Уч кун давом этадиган ушбу анжуман олдидан файласуф олимлар билан уни ўтказишдан мақсад ва таҳлил этилажак масалалар устида фикр алмашдик.

Ўзбекистон фалсафа жамиятининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳамедов анжуманни ўтказишдан қандай мақсадлар қутилаётгани ҳақида сўзларкан, жумладан: «Мустақил давлатимиз ўз тараққиёт йўлида аниқ бир мафкурага асосланиши керак. Ижтимоий фанларнинг асосий вазифаларидан бири ана шу тарихий жараёнда иштирок этиши халқимизда маълум бир мақсадга йўналтирилган мафкура тизимини шакллантиришдир. Ҳозирги пайтда миллий маданиятимизни ривожлантириш эвазига мустақиллик мафкурасини яратиш энг маъқул йўл, дейишмоқда. Дарҳақиқат шундай. Халқимизга хос миллий қадриятлар, урф-одатлар янада камол топтирилиши керак. Бугунги кунда миллий маънавиятни янада ривожлантириш, кишилар онгига янги мафкурани сингдириш давлатимиз ва миллатимиз, истиқболимиз ва истиқлолимиз тақдирига боғлиқ иш бўлиб турганлиги сир эмас. Маълумки, ҳар қандай янгилик фалсафий жиҳатдан асосланиши керак. Шу жиҳатдан ёндашганда мустақиллик мафкураси ҳам мушоҳада ва тафаккур чиғириғидан ўтказилиб асосланиши зарур, деди.

Янги мафкуранинг негизи фалсафа, фалсафий дунёқараш бўлиши кераклиги ва бунга қандай эришиш йўллари ҳақида сўзларкан, фалсафа фанлари номзоди, профессор Иномжон Раҳимов: «Энг аввало олий ўқув юртларида талабалар билан бевосита ишлайдиган домлалар ёшларнинг мафкурасига баракали таъсир қила оладиган фалсафани ўқитишлари керак. Сўнгги йилларда фалсафани ўқитишда эътиборга молик ўзгаришлар бўлди. Бу янгиликлар силсиласида, энг муҳими, фалсафанинг партиявийлиги, синфийлиги тамойилларидан воз кечилди. Натижада эса материализм яхлит дунёқарашнинг иккинчи бир томони эканлиги асосланди. Энг муҳими шундаки, «фалсафа тарихи» мавзусида «Марказий Осиё мутафаккирларининг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қараш-лари тўғрисидаги» фикрлар ва хулосалар кенг ёритилмоқда. Биз янги мафкурани асослашда ўлкамиз етиштирган мутафаккирларнинг улкан маънавий бойлигидан халқимизни баҳраманд қилишга интилишимиз керак. Яна бир долзарб мавзу: фалсафанинг доимий мавзуси — инсондир. Биз уч муаммо: инсон — инсоннят — инсонийликни ҳам Инсон ҳаётини сақлаб қолиш, айниқса, ҳар бир инсоннинг бетакрор ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат, инсоннинг тинчлигини, омонлигини таъминлаш — инсонпарварликнинг юксак намунаси сифатида талқин этишимиз лозим. Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилати бўлиб, шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Демак, тараққиётга, миллий истиқлолга асосланган мафкурамиз инсоният фалсафий меросидан баҳра олган, айни чоғда эса халқнинг тарихий ва қадимий қадриятлари негизида шакилланар экан, деди.

Маълумки, икки асрдан буён дунё илмий маданиятида, жумладан, фалсафада, «Ғарб» ва «Шарқ» атамалари ўртасидаги кураш ҳукмрон бўлиб қолмоқда. Биз анжуман олдидан ўзбек фалсафа мактабининг ҳам ана шу қутбийликда ўз ўрни борлиги ёки йўқлиги билан қизиқдик. Тошкент Давлат дорилфунуни табиий факультетлар фалсафа кафедраси профессори Ўткир Ҳайдаров бу хусусда сўзларкан, «Умуминсоний қадриятларни, шу жумладан Ғарб ва Шарқ фалсафасини ўрганишга ҳаракат қилган ҳар бир халқ, қолаверса ҳар бир инсон учун бундай тушунчалар шартлидир албатта. Умуман олганда, битта фалсафа — инсон ва инсоний қадриятларни ўрганадиган фалсафа мавжуд. Модомики, Ғарб ва Шарқ фалсафа мактаблари деган тушунча қўлланилар экан, уларнинг фарқи ҳам бўлиши мумкин ва зарур. Агар Шарқ фалсафасида инсонни улуғлаш, эъзозлаш уни эзгу мақсадларга йўллаш тараннум этилса, Ғарб фалсафасида дунёни, борлиқни, онгни ҳамда уларнинг ўзаро муносабатини билишга доимий интилиш ётади. Шарқ фалсафасида тажриба, Ғарб фалсафасида илмийлик етакчидир.

Маълумки, Марказий Осиё буюк Евроосиё қитъасининг тўрт томонини ҳам бирлаштириб турувчи муҳим сиёсий жуғрофий мавқега эгадир. Ўзбек фалсафа мактабининг мавқеи жаҳон миқёсида бир ёқламалик ва маҳдудлик туфайли мўртлашиб қолган эди. Эндиликда юртимизнинг истиқлолга юз тутиши ва жуғрофий тарихий мавқеимизнинг баландлиги қадим Шарқнинг буюк тажрибалари ва илғор Ғарбнинг илмий тафаккурини бирлаштиришга ёрдам беради. Бинобарин, сўнгги йилларда дунё фалсафасига қизиқиш, сезиларли даражада ортди, деб алоҳида таъкидлади.

Анжуманда фалсафа фанининг бошқа ижтимоий фанлар силсиласидаги мавқеи, ижтимоий фанларни ўқитиш муаммолари ечимлари ва умуман фаннинг ҳозирги аҳволи тўғрисида қизғин ва самарали баҳслар бўлиши кўзда тутилмоқда.

Б. ЭШПУЛАТОВ,
«Туркистон» махсус мухбири.

Ватанпарварлик мезони

Қонунлар билан бошқарилмайдиган демократия — бу бошбошдоқликка олиб келиши тарихдан маълум. Содда қилиб айтганда тормози йўқ машина. У бирор тўсиққа урилиб, пачақланиши турган гап. Демак, демократияни тўлиқ амалга оширмоқ учун жуда кўп тажриба, ақл-заковат, иқтидор талаб этилади, албатта.

Ҳаётимиз қомуси — Конституциямиз меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Бу билан ҳуқуқий демократик давлат асоси барпо этилди. Шу нуқтаи назардан қараганимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ва «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари республикамиз тарихидаги оламшумул аҳамиятга молик муҳим дастурдир. Чунки рисолаларда энг долзарб муаммолар ечими тартиби очиқ-ойдин таърифлаб, истиқбол йўлидаги режалар, йўналишлар аниқ баён қилиб берилган.

Ҳозирги пайтда асосий нарса: осойишталик, тартиб ва яна тартиб; қонун ва яна қонун; ҳуқуқ ва яна ҳуқуқ. Мутафаккирларнинг ибораси билан айтганда, бирор бир давлат бесиёсат, илм бебаҳс бўлмайди. Норозиликларни жунбушга келтирмай, унинг олдини олиш, ярали юракларга малҳам қўйиш учун кенг кўнгилликлик, адолатлилик, меҳрибонлик, саховатлилик даркор. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашдан ортиқ долзарб вазифа йўқ. Бу йўлда фидойилик кўрсатиш — чин ватанпарварлик демак.

Истиқлолимизнинг ёркин истиқболи замини республикамизнинг иқтисодиётини равнақ топтириш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорларни халқ эҳтиёжига жавоб берадиган моллар билан тўлдиришни тақозо этади. Шундан ҳам Ислом Каркмов ўзининг рисоласида республикамизнинг барча фуқаролари ва ҳуқуқий шахсларга ташаббускорлик кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш, хўжалик фаолиятини қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиш керакligи ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигида эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ҳозир турли хил жамоа уюшмалари ташкил этишга расмий рухсат этилган. Бу демократия нишонасидир. Бироқ, жамоа уюшмалари худди асаларилардек бир мақсад йўлида бирлаша олсаларгина республика мустақиллиги, фаровонлиги йўлида ижобий натижаларга эришиш мумкин. Гапнинг қисқаси, ҳар бир фуқаро, қолаверса, жамоа аъзоси фаровонлик, мустақиллик, тинчлик, хотиржамлик йўлидаги ўз вазифасини сидқидилдан, масъулиятни юксак ҳис қилган ҳолда бажариши лозим.

Бу ғоятда муҳим. Агар жумҳурият табиий бойликларининг ҳаммасини ўртага қўйиб қўйилганда ҳам тинчлик, хотиржамлик бўлмаса, мустақиллик, фаровонлик амалга ошмай қолаверади. Шу сабабли эътиқодсизлик, бефарқлик, бамайлихотирлик, ўзи бўларлик, амалпарастлик сингари иллатларга йўл қўйиб бўлмайди.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг диёримиз мусулмонлари ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда жоме-масжидлар сони 400 дан ошиб кетди. Улардан ташқари минглаб маҳалла масжидлари ҳам фаолият кўрсатаяпти. Диний адабиётларни қайтадан нашр этиш ва тарқатиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. «Ислом нури» газетаси чоп этилиб, мусулмонларга диний таълим беришда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз рисоласида дин ва диний ақидалар ҳақида фикр юритиб, «Ислом ота-боболаримизнинг дини — мусулмонларнинг онги, турмуш-тўрмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир», — дейди. Лекин бу жумҳуриятимизда фундаментализмга имкон берилади, деган гап эмас. Бу дин давлат ишига аралашаверади деган маънони ҳам мутлақо англатмайди.

Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлидан одилона қадам ташламоқда. Бу сиёсат ғоят тўғри эканлигини ҳаёт яққол кўрсатмоқда. Ислом Каримов рисоласидаги қуйидаги сатрлар бу йўлда қилинаётган амалий ишларни яққол ифодалайди: «Ички сиёсатнинг негизи — инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмга эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир. Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қилади, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб-маҳоратига муносиб баҳо беради. Давлатнинг бурчи таркиб топиб бораётган ишбилармонлик тузумларини қарор топтириш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатишдан иборат».

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг юқорида номлари зикр қилинган икки рисоласи мамлакатимизни буюк давлатга айлантириш йўлида олға қадам қўйишимизда муҳим дастуриламалдир. Мустақил диёримизнинг чин ватанпарвари бўлган ҳар бир фуқаро, йигит ва қиз уни қунт билан ўрганиши, тарғиб этиши ва ўзи унда кўрсатилган йўл-йўриқларга амал қилиши лозим. Бу эса ҳақиқий ватанпарварликнинг мезонидир.

Н. МУМИНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» ИИЧБ бош директор муовини, техника фанлари доктори, профессор.

Жалолиддин Мангуберди номли нафақа

Бугунги кунга келиб ҳукуматимиз илмга ташна изланувчан ёшларга алоҳида эътибор билан қарамоқда, уларнинг мукаммал илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентимиз И. А. Каримовнинг республикамиздаги ижодкор, иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда ҳам иқтисодий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлашга доир фармонларидан келиб чиқиб, Хоразм вилоятида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Хоразм вилоят қўмитаси ва республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда бўлиб ўтди. Унда Хоразм Ёшлар Иттифоқининг 32-сонли йиғилиш қарори билан вилоят умумтаълим мактабларидаги иқтидорли ўқувчиларни излаб топиб, ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида Жалолиддин Мангуберди номли нафақа таъсис қилинди.

Ушбу йиғилиш давомида сўзга чиққан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Хоразм вилоят қўмитасининг биринчи котиби Баҳодир Бобожонов ҳозирги шароитда ўқувчиларнинг асосий вазифалари ва бурчи фақат билим олиш, аъло ўқиш эканлигини таъкидлаб ўтди ҳамда Жалолиддин Мангуберди номидаги нафақаларни туман ва шаҳар қўмиталари тавсия этган 12 нафар мактаб ўқувчисига тантанали равишда топширди.

Республика «Наврўз» хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раҳбари Пирназар Ғаффоров кам даромадли, ногирон, боқувчисини йўқотган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб бориш жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари қилиб белгиланганлиги ва ушбу муносабат билан ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Бизнинг мусоҳаба

ТИШИ СОҒ— КИШИ СОҒ

Оламда соҳалар кўп. Турли касб эгалари ҳақида, моҳир усталар ҳақида кўп ёзилган. Биз бугун қаламга олган тиш қўйиш иши мукаммалликда улардан қолишмайди. Шу боис суҳбатимизни ўзининг қариб 40 йиллик фаолиятини шунга бағишлаган, юзлаб беморларнинг олқишига сазовор бўлган ҳалол ва ростгўй инсон Турғун МУҲИДДИНОВ билан ўтказдик.

— Кўпгина бирор касб эгаси бўлишда киши ҳаётидаги баъзи воқеалар сабаб бўлади. Сизда ҳам эҳтимол шундай бўлгандир!

— Мактабда ўқиб юрган кезларим синглимнинг тиши оғриб қолган эди. Уйимиз Й. Охунбобоев номли тиббиёт техникуми ёнида жойлашганди. Дўхтирга кўрсатиб келишни онам менга буюрдилар. Бир ҳисобда катта бўлиб қолганимни (акалигимни ҳис қилиб) севиндим. Оқ халат кийган дўхтирлар синглимни даволашаяпти. Мен эса уларнинг ҳаракатларини кузатиб, ҳавас билан тикилиб ўтирибман. Қани энди мен ҳам шундай тиш дўхтири бўлсам, деган хаёл чақиндек чақнаб ўтди. Синглимнинг тиш оғриғи бирпасда тўхтади. Уйга қайтдик. Лекин бир неча кунгача ўйлаб юрдим. Мактабни тугатгач, тўғри ана шу техникумга ўқишга кирдим. Ушанда отам «Мендан сизларга қоладиган дунё йўқ. Агар бешаловингиз ҳам ўқиб, билимли бўлсангиз, қоладиган дунё шу бўлади», деган эдилар. Афсуски, бугунги кунда ўғил-қизларга бу гаплар эриш туюлади. Улар пулни илм ва меҳнат билан эмас, бошқа йўллар билан топишаяпти.

— Тишнинг организм учун аҳамияти ҳақида икки оғиз сўзлаб бернг!

— У инсон учун ҳам ҳусн, ҳам чирой, гўзалликдир. Айниқса, соғлом, чиройли тишлар ҳар қандай юзга ярашиб туради. Баъзида одамлар қиғирқийшиқ чиққан тишларга эътибор қилмоғи лозим. Чунки тиш инсон организми учун тегирмон ролини ўйнайди. У қанчалик яхши парваришланса, саломатлик яхши бўлади. Кейинги йилларда Урта Осиё республикаларида пародонтоз (милк қочиш касаллиги) кўпайди. Касалликнинг келиб чиқишини юзлаб илмий хулосалар ҳам ифодалаб беролгани йўқ, ҳозирча. Айниқса, ҳомиладор аёллар бу касалликка кўпроқ чалинишади. Чунки ҳомилага суяк ҳосил қилиш учун кальций тузлари зарур. Хотин-қизлар дўхтирларга учраб, вақтида даволаниб, тишларини сақлаб қолишса бўлади. Аммо кўп ҳолларда улар шунчаки қоғоз олиб, даволатмасдан кетиб қолишади. Натижада ўзидаги, тиш таркибидаги тузнинг бирмунчасини ҳомилага беради. Кейин тишлар қорайиб, қимирлайдиган бўлади, милк қочади. Бу касалликнинг олдини олиш мумкин, холос. Аммо ундан фориғ бўлишнинг йўллари ҳали топилган эмас.

— Шунданми бизда қар иккинчи, учинчи одам, ҳатто болакайлар ҳам тиш азобидан ҳоли эмас...

— Гапингизда жон бор. Аввало кейинги пайтда экологиянинг бузилиши тиш касалликларини келтириб чиқараётгани сир эмас. Ёдингизда бўлса, болаликда ерда ўсаётган сабзини суғуриб олиб, тупроғини қоқиб, еб кетардик. Ёки дарахтдаги олмани шохидан узиб, қўл билан артардикда, бемалол ердик. Ҳозир уни шу йўл билан тиклаяпмиз. Айниқса, кейинги пайтда бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан сариқ металлнинг нархи ошиб кетди. Металл-чинни, пластмасса унга нисбатан бемор учун ҳам арзон тушади. Яна сариқ рангдаги (имитация) металл (зангламайдиган пўлат устига титан нитрити қопланган) хили ҳам ишлатилмоқда. Тўғри, бунинг озми-кўпми зарари бор. Шунинг учун энг қулай усули косметик, яъни металл-чинни усулидир. Унда бемор тишининг ранги ўрганилади. Тишнинг пастки қисми ранги очроқ, юқори қисми тўқроқ қилиб асл тиш ҳолатига келтирилади. Менга қолса, беморлар учун шунақа тиш қўйдиришни маслаҳат берардим.

— Фаолиятингиз давомида тиш қўйиш соҳасида яна қандай янгиликлар бўлгани ҳақида айтиб бернг!

— Техникумни тугатиб, тиббиёт олий даргоҳига кирганман. Уни тугатганимдан сўнг ўша ернинг ўзида талабаларга сабоқ бера бошладим. Ҳам ишладим. Ун йил мобайнида бу масъулиятли, мураккаб ҳамда завқли соҳанинг сирларини шогирдларга ўргатдим. Ўша йиллари талабаларни турли вилоятларга обориб, ишлаб чиқариш практикасини ўтказардик. Қайси вилоятдалигиларини ёдимда йўқ, бир куни ўрта яшар аёлнинг тиш дўхтири билан тортишуви устидан чиқдим. Аёл ахир қандай қилиб тишсиз юра оламан, олдингиларинг кўриниб турган тишлар бўлса. Бир эмас, тўрттаси олинса, деб куйинарди. Дўхтир илож йўқлигини рўкач қиларди. Шунда ўйланиб туриб мулоқотларига аралашдим. Иложи бор, дедим. Ушанда иммедиат протез усулини илк бора қўллагамиз. Аввалари тиш олингандан кейин милк қотгунча 15-20 кун бемор тишсиз юрарди. Даврларга, кўпчилик орасига киролмасдан, ёру-биродарлари билан гаплашолмасдан хижолат бўларди. Бу усулда эса тиш суғурилмасдан туриб қолип олинади (эластик модда ёрдамида). Қолип асосида протез тайёрланади. Тиш олиниши билан олдиндан тайёрланган вақтинчалик протез милк битгунга қадар кийдириб қўйилади. Натижада бемор аввалгидек бемалол юраверади.

— Ҳозир бу усул тўла қўлланиладими!

— Очиғини айтсам, вилоятларда ундан кам фойдаланишади. Чунки майда иш. Улар кўпроқ йирик ишни кўзлашади. Режанинг кетидан қувишади. Менимча, тиббиётни хўжалик ҳисобига ўтказиш умуман ақл бовар қилмайдиган нарса.

— Қандай ҳолатда тиш қўйилади!

— Баъзи беморлар бунда ҳам шошиб иш юритишади. Бу нотўғри. Аввал касал тишлар даволанилади, илдизлар хирург томонидан олиб ташланиши керак. Даволовчи дўхтир тишларни соғломлаштиради, ва унга кафолат беради. Энг охирги босқич — бизнинг вазифамиз тишлар бутунлиги тикланади ва оғиз бўшлиги соғломлаштирилади. Аммо бу ишни биз беморларнинг шошириши бўйича эмас, балки даволовчи дўхтирлар томонидан кафолат (санация) берилгандан кейин амалга оширмоғимиз лозим.

— Тиши оғриган бемор дўхтирга боришга юраклари бетламайди. Сиз уларнинг кўнглига қандай йўл топасиз!

— Фақат тиш дўхтири эмас, умуман шифокорларда муомала биринчи ўринда туради. Ширинсўз ярим даводир, — деб бежиз айтишмаган. Ҳузуримга келган беморларнинг ҳолати, кайфиятига қараб иш юритишга одатланганман. Қўрқоқроқ бўлса дастлаб озроқ тишини чархлайман. Шунда эртаси куни келгач, ишончи ошади. Бора-бора умуман чўчимасдан бемалол чидаб ўтирадиган бўладилар. Даволаш давомида улар билан турли мавзуларда суҳбатлашиб тураман. Баъзан эса ҳузуримга келган беморлар билан акаукадек бўлиб кетамиз. Оиламиз билан борди-келди қиламиз. Бундан ташқари кўчакўйларда юрганимда салом бериб, мени танидингизми, дўхтир, деб сўрашади. Алик олиб, ҳайрон бўлиб турсам, фалон йили тиш қўйгандингиз, ҳали-ҳануз яхши турибди, раҳмат, дейишади. Бу биз шифокорларга, шахсан мен учун жуда ката бахтдир.

— Оилангизни шифокорлар оиласи деб эшитаман. Шу ҳақда ҳам сўзлаб бернг.

— Аввало юқорида айтганим отам нияти ижобат бўлганини айтгим келади. Бешаламиз олий маълумотли бўлдик. Оилам ҳам тиббиёт фанлари номзоди. Юқумли касалликлар шифокоридир. У доцент, айни кунларда юқумли касалликларга қарши кураш соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. Ўғлим Ёркин менинг ишимни танлади. Стомотолог — ортопед бўлди. Ҳозир илмий иш билан банд. Қизим рус тилидан мактабда дарс беради.

— Стамотология соҳасидаги муаммоларга ҳам тўхталиб ўтинг.

— Улар талайгина. Жумладан, тиш чархлаш борлари етишмайди. Қолип оладиган эластик қоришмалар кундан-кунга камайиб кетаяпти. Кўплаб шифохоналарда тиш қўйиш жиҳозлари етишмайди. Борлари ҳам жуда эскириб кетган. Булардинг барчаси туман бойлигимиз бўлмиш инсон саломатлигини тиклаш ишимизда катта қийинчиликлар туғдириши табиий. Шундай бўлсада, мен тиш қўйдиришни режалаштирган беморларга касалликнинг олдини олишни, вақтида дўхтирга мурожаат қилишни маслаҳат берардим.

Уз касбини жон-дилдан севган Турғун аканинг камтар ва ҳалоллигини кўп эшитгандим. Бошқа айрим дўхтирлар каби сариқ металл ортидан пул ишлаб, бойиб кетиши ҳам мумкин эди бу одам. Лекин кам бўлса ҳам ҳалол ишлаш йўлини танлади. Қирқ йил мобайнида ҳузуридан хурсанд бўлиб кетган беморларнинг саноғи йўқ. Улардан юрттиргани эса ҳурмат, ташаккурдир. Оладиган маоши нари борса етти минг атрофида. Шунча йил меҳнат қилиб, бирон унвонга ҳам эга бўлмаган. Уйланиб қолсаси киши...

Муқаддас СОЛИҲ қизи суҳбатлашди.

Бухоро шаҳридаги «Формация» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Азамат Замоновнинг ташаббуси билан шаҳардаги 30-марказий дорихона қошида янги фитобар очилди. Унга «Райҳон» деб ном берилди.

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида бешта фитобар фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача уларнинг сонини ўнтага етказиш кўзда тутилган. Чунки турли дори-дармонлар етишмовчилиги сезилиб турган ҳозирги пайтда гиёҳлардан шифобахш шарбатлар тайёрловчи бундай масканларнинг кўпайиши мақсадга мувофиқдир.

Фитобарда мижозлар учун мўлжалланган кичик зал мавжуд. Улар бу ерда дам олишлари, шифобахш шарбат ва коктейллар ичишлари мумкин.

«Райҳон» шаҳардаги 4-болалар поликлиникасини ва Бухоро туманидаги физиотерапевтика касалхонасини шифобахш шарбатлар билан таъминлаб туришни ўз зиммасига олган.

Бу йил бирлашма доришунослари Бухоро ва Вобкент туманларидан 2 гектардан ер олиб, доривор гиёҳлар ўстиришни йўлга қўйдилар. Биргина Олот туманида ўн минг туп наъматак етиштирилмоқда.

СУРАТДА: дори тайёрловчи Мўмина Шодиева.

Ш. ШАРОПОВ сурати (УзА).

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

РОЖЕР КЭК: «БАҒРИ КЕНГ ВА МЕҲМОНДЎСТ ХАЛҚ»

Вашингтондаги Жоржтаун университетининг профессори Рожер Кэк жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида маърузалар ўқимоқда. АҚШнинг Сомали ва Руминиядаги элчиси, БМТдаги доимий вакили бўлиб ишлаган бу дипломат ва олимнинг халқаро муносабатлар, дипломатик амалиёт, АҚШнинг ташқи сиёсати мавзуларидаги маърузалари талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Жаноб профессор, Узбекистонда илгари бўлганмисиз!

—1964 йили илк бор сайёҳ сифатида ўлкангизга меҳмон бўлиб келган эдим. Ушанда Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлгандим. Ўтган йиллар ичида жумҳуриятингизда катта ўзгаришлар рўй берибди. Зилзиладан кейин Тошкент бутунлай қайта қурилибди. Айниқса, мустақил жумҳурият байроқлари кўзни қувонтиради.

— Узбекистондаги бугунги ижтимоий-сиёсий вазиятни қандай баҳолайсиз!

— Бу ерда турли миллат вакиллари ёнма-ён, ога-инидек яшаётганлари таҳсинга сазовор. Шубҳасиз, бу жумҳурият раҳбарияти олиб бораётган оқилона сиёсат натижаси ҳамдир. Собиқ шўролар иттифоқининг айрим жумҳуриятларида низолар ва беҳуда қон тўкишлар рўй бераётган бир пайтда бундай барқарорлик ва осойишталикнинг аҳамияти катта.

Талабалар маърузаларимда фаол иштирок этишяпти. Қизғин савол-жавоблар ва мунозаралар ўтказяпмиз. Талабаларнинг кўпчилиги ниҳоятда қобилиятли. Ёшлар спорт турлари билан ҳам мунтазам шуғулланишар экан. Яқинда Чирчиқ шаҳридаги ёш чавандозлар мактабида бўлганимда, бунга ишонч ҳосил қилдим.

— Узбекистон билан Америқонинг бугунги муносабатлари хусусида нима дея оласиз!

— Узбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Америқо халқи унга айниқса, катта қизиқиш билан қарай бошлади. Илгари улар фақат Амир Темур ҳақидагина билишган бўлса, эндиликда бу ўлканинг тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақидаги маълумотлар уларга тобора кўпроқ етиб бормоқда. Айрим дорилфунунларда ўзбек тили ўқитилмоқда. Америқоликлар Ўзбекистонда эркин бозор тизимини, ривожланган демократик жамиятни барпо этишда кўмаклашишни истайдилар.

УзА мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ ҚИСҚАРМОҚДА

ВАШИНГТОН. Америқо фермерларининг озиқ-овқат маҳсулотларини собиқ Совет Иттифоқи республикаларига экспорт қилиши ўтган йилгига нисбатан 30 фоиз қисқаради. АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги шу ҳақда хабар берди.

Вазирлик иқтисодчиларининг изоҳлашича, Америқо ҳукумати маҳсулотни сотиб олиш учун кафолатли қарз беришни тўхтатиб қўйгани ва янги мустақил давлатлар молиявий аҳволи танглигидан импорт маҳсулотлар ҳажмини камайтириб юборгани озиқ-овқат экспорти қисқаришига сабаб бўлди.

Ғарб тажрибаси—кон саноатига

Тошкентда «Кон-руда саноатида амалий муносабатларга Ғарбнинг ёндашуви» мавзусида халқаро семинар иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо металлар қўмитаси билан Канаданинг бир қанча йирик фирмалари шу анжуманни уюштирдилар.

Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко. кириш нутқида таъкидлаб ўтганидек, бу учрашув Ўзбекистоннинг кон-ундирма корхоналари билан жаҳондаги йирик компаниялар ўртасида тағин ҳам мустаҳкам ўзаро алоқаларни йўлга қўйишда ёрдам беради. Анжуманнинг вазифаси мутахассисларимизни фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашга доир илғор технология билан таништиришдан ташқари истиқболли қўшма корхоналар барпо этишдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар ташкилотчилари орасида Ғарб дунёсида машҳур бўлган «Флюкор Даниель Райт», «Райт инжинирс лимитед», «Тек», «Катерпиллер» фирмалари ва компаниялари бор...

— Бизнинг бу анжумандан умидимиз катта, — деди республика Давлат қимматбаҳо металлар қўмитаси раиси Ш. Нажимов. — Чунки семинар давомида Ғарбнинг етакчи мутахассислари мазкур соҳанинг энг муҳим йўналишларига доир лекциялар ўқийдилар. Хусусан кон-ўндирма ва металлургия саноатида бозор муносабати воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, фойдали қазилмаларни излаш учун ажратилган бюджет маблағларини самарали жойлаштиришга, тармоқни пул билан самарали таъминлашга доир лекциялар бўлади.

УЙҒУР САНЪАТКОРЛАРИ САМАРҚАНДДА

Хитой Халқ Республикаси Шинжон—Уйғур мухтор вилояти ашула ва рақс дастаси жамоаси Самарқандга ташриф буюрди. Самарқандлик санъат шинавандалари, меҳмонлар қардош халқнинг куй-қўшиқларини тинглаб, дилрабо рақсларини томоша қилдилар.

— Бундай учрашувлар икки мамлакат халқлари ўртасида маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаши, ўзаро ҳамкорликни кучайтириши шубҳасиз, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Акрам Худойқулов.

ҒАРБИЙ ОВРУПО ИТТИФОҚИ СЕССИЯСИ

РИМ. Италия пойтахтида Ғарбий Оврупо иттифоқининг сессияси очилди. Унда Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия ва Франциянинг ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазирлари иштирок этмоқда. «Ўнлик» кенгаши сессиясида Югославиядаги вазиятни изга солиш билан боғлиқ масалалар кўрилди.

20 май куни эса Ғарбий Оврупо иттифоқи мамлакатларининг Марказий ва Шарқий Оврупо давлатлари билан маслаҳат мажлиси режалаштирилди. Мажлисда Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, ва Эстония вакиллари қатнашди.

ФАН. ЎЗАРАК ОЛАМ

ПРЕЗИДЕНТ ОДДИЙ ИШЧИДАН КАМ ҲАҚ ОЛАДИ

● ҲИСОБ - китобларга қараганда, бугунги кунда Россия аҳолисининг ўртача маоши японларникига нисбатан 120 баравар паст экан. Бу ҳам у ёқда турсин, ҳатто Россия Президенти оддий япон ишчисининг ўртача иш ҳақидан 30 баравар кам ҳақ оларкан.

АГАР МУЗЛИКЛАР ЭРИБ КЕТСА

● ҲОЗИРЧА Антарктида ёки Шимолий муз океани эмас, қорли чўққиларидаги музликлар ҳақида гап юритамиз. Очиғи чўққилардаги музликларни кўпчилик абадий деб ўйлайди. Аслида-чи, шундайми? Йўқ, дейди Танзания Республикасидаги Дорусалом дорилфунунининг олими Андерсон Лема. Унинг фараз қилишича, Африка қитъасининг марказида жойлашган Килиманжоро (5895 метр) ва Кения (5199 метр) чўққиларидаги музликлар келгуси асрнинг охирларигача «бардош бера олмас» эмиш, Олим кўп йиллик кузатиш олиб боргандан сўнг шундай хулоса чиқарди.

Маълум бўлишича, Кениядаги Льюс музлигининг узунлиги 1883 йилда 1,6 километрни ташкил этган бўлса, 1978 йилда бор-йўғи 1,04 километрдан ошмаган. Кейинги 80 йил давомида музликнинг ҳажми 70 фоизга қисқарган ва у ҳар йили ярим метрдан камайиб бормоқда. Килиманжоро, шунингдек, Заир билан Уганда чегарасида жойлашган Рус тизмасидаги Маргерит чўққисида (5109 метр) ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин.

Марказдаги муз заҳираларининг камайиб бориши ҳамда Кениядаги Туркана ва Наишава чучук кўлларининг сўнгги 100 йил мобайнида саёзлашиши Африка қитъаси иқлимини ўзгартириб юбориши табиий.

Жаҳон ўзбекга қуйлагай

Бастакор Анор НАЗАРОВ:

Ўзбек халқ мумтоз ашулаларини маромига етказиб ижро этувчи санъаткорга шундай топшириқ берилган экан: Қўшиқни авжига етказиб айтманг, халқ кўтарилиб кетади! Бугун биз ўзимиз халқни кўтармоқчимиз. Ҳурматини жойига қўйиб, ғуруруни уйғотмоқчимиз. Шунинг учун хўп ва кўп яхши қўшиқлар керак бўлмоқда. Ана шу илинж билан бастакор Анор НАЗАРОВ ижодхонасини тақиллатган эдик. Воажаб, санъаткор ҳаёти ҳам олам ичра бир олам экан...

Журналист. — Бу — мусиқачининг ҳамма қатори оддий ҳаёт йўли. Қишлоқи боланинг кунлардан бир кун эстрада симфоник оркестрига раҳбарлик қилишини ҳозир «шундай бўлиши керак» деб қабул қилаверамиз. Бизга эса фавқулодда янги ғап айтиш керак. Ҳеч кимга ўхшамайдиган ҳаёт тарзи, саргузаштлар, курашлар, ишсиз қолиб қийналишлар ва ниҳоят топилдиқ иқтидор соҳибини «топиб олсак» яна ҳам яхши.

Анор Назаров — Тўққизинчи қаватда икки хонали уйим, ишим, оилам, ўзимга яраша дўст-жўраларим бор. Мана шу дипломантни ҳар куни эрталаб ишга кўтариб бориб, кечқурун олиб қайтаман. Бўш қолдим дегунча қишлоққа — жигарларим ҳузурига чопаман. Тўй-маъракалардан қолмайман. Дала ҳовли, аниқроғи деҳқончилик учун ер олдим. Кучим етганча, қўлимдан келганча экиш-тикиш қиламан. Бир хилликми? Бизгача ва биздан кейин ҳам давом этадиган зерикарли ҳаёт бу. Энди мана шу бир хилликнинг этагини кўтариб қарасангиз баъзан «дод» деб юборгингиз келади. Шунинг учун зерикишга вақт йўқ ҳозир.

Ж. — Талабалик йилларда ёзган бир шеърим бор эди:

Дарпарда бурчидан
жилмаяр ҳилол,
Нурлари тиллоранг,
Ойлар — тиллоранг.
Баъзан бу нурлар ҳам
келади малол,
Куйманар муғанний —
асаблар таранг.
Ойлаб кулбасидан шовқин
кўчмайди,
Уйлайсиз — кимсасиз,
ташландиқ макон.
Ойлаб кулбасидан чироқ
ўчмайди,
Уйлайсиз — соҳиби тиним
билмас жон.
Яна тонг,
Яна у соҳири ҳавас,
Очиқ деразадан ёприлар
оҳанг.
Тонгларни ҳеч қачон оддий
деб бўлмас,
Оддиймас ҳавода шоҳрилар
оҳанг.
Кун оқар,
Қуёш-ла йўлга тушади,
Бир боқсанг — бу ҳаёт
унинг учун ғам.
Шамол қайғусига қайғу
қўшади,
Шамол ғамларини олиб
учар ҳам.
Тун оқар,
Етаклаб юлдузу ойни
Қаҳкашон сайридан қаҳкашон
қайтар,
Уйлайсиз — қўшиққа шунчалар боймиз!
Тонг қадар бир денгиз,
бир уммон қайтар.
Балки уммон сиғмас қўшиқ
қалбига,
Балки қўшиқ сиғмас
уммонларга ҳам.
Ҳаёт заранг коса тутса
лабига
Ҳаёлида уммон сипқорар
одам.
Янги тонг оламдан
оҳанглар териб,
Очиқ деразадан ошириб
кетар.
Бизнинг муғаннийга қай
куйин бериб,
Воажаб, қай куйни яшириб
кетар.
Бастакор кўзига ҳаёл
чўкади,
Толғин киприкларда йилтиراйди нам.
Тонглар илҳомига илҳом
тўкади,
Тонглар илҳомини олиб
қочар ҳам.

А. Н. — Шеър қилганингиздек, ишингиз тутқич бермаса, яъни илҳом келмаса, савдойи бўлиб қоласиз. Лекин шу пайт сут машинасининг овози эшитилиб, осмондан, парқу булутларни кечиб юрган жойингиздан кўчага чопиб тушасиз. Қўлингизда сут човвоси. Энди буёғи кундалик ҳаёт.

Ж. — Ўзингиз айтгандек, барибир зерикишга вақт йўқ-да!

А. Н. — Радиога ишга келганимдан кейин 12 киши чет элга кетди. Кўплари ватанига қайтишди. Иш бозоридан фойдаланиб қолмоқчи бўлганлар ҳам бор. Хориж ресторанларининг арзон мусиқачиларимизга иштахаси баланд-да. Яна нафақахўрларга ва айрим ишёқмасларга жавоб беришга тўғри келди. Шундай ўзига хос «тозалаш» ўтказдик. «Уч йилда беш минутлик асар топширган қўшиқчининг бизга керагі йўқ» — деб очиқ айтдим. Лекин оркестрни бутлаш анча қийин кечди. Ҳужжати борлар кўп, яхши мусиқачилар кам. Борлари тўй-ҳашамларга мослашиб олишган. Нотани бериб қўйсангиз хабаш мусиқачи ҳам Тановарни чалиб беради. Аммо унинг ижроси ўзбекларга сингмайди, ёқмайди. Сабаби бу ижрода ўзбек қалби бўлмайди. Халқимизга хос бағрикенглик ва юртимиз харорати қўшилмаса, Бетховен тирилиб келиб чалса ҳам тингловчига етиб бормайди. Мана шу «озгина» қусири туфайли эстрада симфоник оркестримиз ўялиб қолган эди. Миллатчи эмасман, аммо менгача оркестрда Сиз журналистларнинг тили билан айтганда, маҳаллий кадрлар бармоқ билан санарли эди. Худога шукр, аҳвол ўнгланди. Агар озгина ютуққа эришган бўлсак, сабабини мана шундан изламоқ даркор.

Яна ҳалиги гап: Яхши мусиқачилар, чинакам фидокорлар кам. Пуфлаб чалинадиган ва торли чолғуларни чалувчиларни излаб юраман.

Ж. — Озгина «ютуғингиз»нима! Шуни очиқроқ гапириб беролмайсизми!

А. Н. — Бажонидил. Ўзбекистон истиқлолининг бир йиллиги куни Мустақиллик майдонида намойиш этилган театрлашган катта байрам концертида бормидингиз?

Ж. — Бўлмасамчи.

А. Н. — Маъқулми?

Ж. — Катта меҳнат қилинган. Эсдан чиқмайдиган яхши томоша бўлди.

А. Н. — Шу томошанинг мусиқа раҳбари мен эдим. Республиканинг бошқа жиддий жамоалари қатори Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг эстрада симфоник оркестри тарихий байрамни яхши ўтказишга камтарин улушини қўша олганидан ҳалигача мамнун бўлиб юрибмиз. Ўша катта концертда «Ўзбекистон муштарак» қўшиғим ва бошқа қўйларим биринчи марта ижро этилди. Умумая қувониб, қониқиб ишладик.

Ж. — Бежизгамас-да, Президент фармони билан шу театрлаштирилган томоша ташкилотчиларидан бир гуруҳга унвонлар ва Фахрий ёрлиқлар берилди.

А. Н. — Бизга ҳам раҳмат айтишди.

Ж. — Саломатлик бўлса ҳали бунақанги катта томошаларнинг яна қанчасини ўтказиб берасиз. Анор ака, ўтган йил ёз ойида Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройида икки кун Сизнинг ижодий қисобот концертингиз намойиш этилди. Машҳур хонандаларнинг ва ансамбларнинг ижодий кечалари, концертларига ўрганиб қолганмиз. Лекин «Фалон бастакорнинг концерти» бўлганини ҳеч эсполмайман.

А. Н. — Бошқа жойларда бўлиб туради. Бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилаётгани учун гапнинг очиғи, аввалига юрак чопмади. Нуриддин Ҳамроқуловни, Нуриддин Ҳайдаровни, ҳатто Достон Убайдуллаевни ҳам халқ яхши танийди ва яхши кўради. Бироқ улар ижро этган «Тулпорларим қайдасиз?», «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», «Аразлама», «Алдама», «Юр муҳаббат», «Дўлана» қўшиқларининг муаллифи Анор Назаровни ким танийди? Фақат шу соҳа мутахассислари, жуда нари борса, бир қисм эҳлилар билади. Агар етарли томошабин тўпланмай қолса, бозор иқтисодиёти шароитида Тошкентдаги энг катта томошагоҳ — «Халқлар дўстлиги» саройининг ҳаражатини тўлаш ваҳмаси ҳар қандай киши шоширади. Телерадиокомпаниянинг раҳбарлари қувватлади. Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун катта бир иш қилиш истаги кучли чиқди. «Отингни қамчила, Анорбой! Бундай имконият йигитга бир марта берилади. Ютсанг-чиқасан, ютқазсанг итнинг кейнги оёғи бўлиб юраверасан» — деб турдим ўзимга-ўзим. Хуллас, таваккал қилдим-да.

Ж. — Икки кун ҳам Саройнинг катта зали тўлиб турди. Симфоник оркестрга рубоб, чанг, ғижжак ва сурнайнинг маҳорат билан қўшилиши томошабинларга жуда манзур бўлди. Менимча бастакор Анор Назаров концертининг ўша кунлардаги ютуғини мана шу қўшилишдан изламоқ керак бўлар!

А. Н. — Менгача ҳам бастакорларимиз, баъзи қўшиқчилар миллий мусиқа чолғуларининг у ёки бу хилини симфоник оркестрга қўшишган. Уларнинг тажрибасини қай даражада ўзлаштирганимизга яхшиси мухлислар баҳо беришсин.

Ж. — Миллий чолғу асбобларининг оркестрга етакчилик қилишичи!

А. Н. — Менинг ютуғим иқтидорлар ўн мингтадан, эҳтимол миллиондан битта чиқади. Уларни қадрлай билсак, мустақиллигимизнинг бўй-бастини Исмоиллар жаҳонаро кўзкўз этади.

Мустақиллик ўзбек мусиқа санъатини жаҳонга кўз-кўз этиш учун барча имкониятини яратиб қўйди. Энди ҳорижга гастролларга чиқиш, турли халқаро конкурсларда қатнашиш учун Москвадаги тўраларга пойу-патак бўлмаймиз. Ҳаммаси ўзимизда ҳал қилинади.

Ўқигандурсиз, яқинда Тошкент Давлат консерваториясининг IV курс талабаси Гулнора Алимова Франциянинг Эпинал шаҳрида ўтган пианиночиларнинг Халқаро конкурсида муваффақиятли қатнашиб соврин олиб қайтди. Санъаткорларимизнинг Покистон, Ҳиндистон ва Туркияга муваффақиятли сафари ҳақида эшитдим. Фақат битта тилагим бор: хорижга чиқаётган ансамбллар ёки таниқли санъаткорлар сафар олдидан ва сафардан қайтишгач халққа, мухлисларига **ҳисобот концерти берсинлар.** Шунга одатланайлик.

Ж. — Агар ўзингизга, Сиз раҳбарлик қилаётган оркестрга хорижга сафар қилиш насиб этиб қолса, муваффақият қозонишингизга ишонасизми!

А. Н. — Алишер Навойи номли театрда ишлаган пайтимда айрим Оврўпо давлатларида гастролларда бўлганман. Оврўполикларнинг талаби ва ўзимнинг, жамоамизнинг имкониятларини қиёслаш имкониятига эгаман. Ғарбнинг ва Шарқнинг энг талабчан томошабинлари ҳузурида ҳам ўзбек эстрада симфоник оркестрининг МЕНлигини кўрсатиб қўйишга қурбимиз етади.

Ж. — Ўзи санъат аҳли ҳисҳаяжонга бой бўлади.

А. Н. — Мақтанчоқлик қилмаяпман. Оркестр учун ёзган «Ипак йўли» куйим Францияда ижро этиляпти... «Она дийёр» Чехословакияда ва Америкода куйланди. «Маъқул» дейишди. Афғонистонлик хонанда Маҳмуд Комин билан концерт дастурини тайёрлаяпмиз. Туркия телевидениеси орқали берилаётган концертларни кўп кузатдим. Биз ҳақиқатан ҳам кучлимиз. Фақат бор нарсани дастурхонга қўёлмаган хонадон соҳибасига ўхшаймиз. Ўзбек эстрада симфоник оркестри имкониятларини бор бўйи билан намойиш этолмай армондамиз. Агар мен шу ниятимга эришсам, вазифамни бажариб бўлдим, деб ўрнимни ёшларга бўшатиб бераверсам бўлади. Биласизми, ўзбек мусиқаси, қўшиқчилиги жаҳон санъати учун очилмаган қўриқ. Сал нишабни ўнглаб қўйсак, дунёнинг манаман деган қўшиқчилари югуриб келишади. Чунки ўзбек мусиқасини ҳар хил йўналишда ёзиш, ижро этиш мумкин. Ҳатто ўша машҳур «Битлз» усулида ҳам. Масалан, менинг «Юр муҳаббат» қўшиғим — танго, «Алдама» — рок. Хорижлик ишбилармонларга, ўзбек халқи хазинанинг устида ўтирипти, — деб айтасизлар. Мен эса касбдошларимга, мусиқа хазинасининг бағрида яшаяпмиз, дейишим учун тўла асос бор. Шуни исботласак, жаҳон ўзбекча куйлайдиган бўлади. Хонандаларимиз қўлидан келганича, русча, ҳиндча, арабча, юнонча... қўйингки, биз қўшиғини айтмаган миллат қолмабди ҳисоб. Энди бизни давлат сифатида тан олишаётган экан, қўшиғимизни ҳам айтишсин!

Ж. — Яхши, кўнгилни кўтарадиган гапларни айтяпсиз.

А. Н. — Симфоник куйлар ижодкори Мирсодиқ Ғиёсов ва Нуриддин Тожиевнинг, эстрада куйлари билимдони Дилором Омонуллаева, Алишер Икромов ва Алишер Расуловларнинг парвозини кузатиб ўзимнинг ҳам кўнглим кўтарилиб кетади. Оркестримизда ишлаётган Ойбек Султонов, Гулбаҳор Сулаймонова, Муҳаббат Ғафурова каби ёшларни ҳам ойдин келажак кутмоқда.

Ж. — Катта ниятларингиз амалга ошиши учун валюта ажратилса, янги мусиқа асбоблари сотиб олсаларингиз, ишлар беш бўлиб кетар экан-да!

А. Н. — Мустақилликни фидойи ватанпарварлар ҳимоя қилади. Биз фақат ашула айтиш-у, соч ўстириб юришни эмас, ёш республикамиз хазинаси энди тўлиб бораётганини ҳам кўриб турибмиз. Жуда анойининг олмаси деб ўйламанг бизни. Соғлиқ бўлса, давлатимиз иқтисодиёти гуркираб, санъаткорлар учун ҳар қанча маблағни аямайдиган кунларга албатта етишамиз. Ҳозирча қўлимиздаги бор мусиқа асбоблари билан исталган даврада ва исталган даражада концерт бера оламиз. Қани айтингчи, мустақилликнинг бир йиллиги тўйидаги томошанинг мусиқасида бирон бир етишмовчилик бўлдими?

Ж. — Мен сезмадим.

А. Н. — Мутахассислар ҳам шу гапни айтишди. Қўлимиздаги бор мусиқа асбобларидан ва техникадан фойдаланганимиз ўшанда.

Ж. — Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестидаги Қаландаров дорилардан фақат пенсиясини, овқатдан паловни тан олган. Сизнинг шоирлардан асосан Муҳаммад Юсуф ва Анвар Обиджон, қўшиқчилардан Нуриддин Ҳайдаров ва Достон Убайдуллаев билан ҳамкорлик қилишингиз қаландаровчилик эмасми!

А. Н. — Жуда унчалик эмас. Шоирлардан Зоҳиджон Обидов, Пўлат Мўмин, Йўлдош Сулаймон ва Барот Исроилнинг кўп шеърларига куй басталаганман. Ижрочилардан Қозим Қаюмов, Ойбек Султонов, Гулбаҳор Сулаймонова, Муҳаббат Иброҳимовалар билан ҳам яхши ҳамкорлик қиламан. Бироқ мен ҳам ҳамма қатори Ер одамиман. Атрофингизда Сиз яхши кўрадиган, Сизни яхши кўрадиган кишилар жуда кўп бўлади. Лекин ҳақиқий дўстларингиз саноқли-ку! Шу маънода Сиз номларини санаган ижодкорлар билан кўпроқ ҳамкорлик қилиб, ижодимиз муваффақият қозонган бўлса, нима ҳам дердик, кўнгил майлига қараганмизда.

Ж. — Нуриддин Ҳамроқулов ижро этган «Тулпорларим қайдасиз?» қўшиғингизни тинглаганда, Алпомишнинг Бойчибориюю, Гўрўғлининг Ғироти кўз олдимдан ўтаверади.

А. Н. — Алпомишни АЛПОМИШ қилган унинг Бойчибори эди. Эсингиздами «Интизор» достонида Аваз хонга Ғиротни миндириб юборганда кейин Гўрўғли ғаниминнинг қутқуси билан бир муддат отимдан — давлатимдан айрилдим, деб қандай изтироб чекади. Олтмишинчи йилларда Никита Сергеевичнинг отларни йўқотиш кампаниясини муваффақиятли бажариб, не-не учқур отларни, демакки, элнинг ғурурини қушхонага тортиб юборганмиз. Эрйигитларга учқур от ярашади, дейдилар. Ўша тулпорларни қўмсаб, уларга муносиб эрйигитларни соғиниб, қўшиқ ёзиб юрибмизда, дўстим.

Ж. — Анвар Обиджон шеъри билан айтиладиган «Мулла Мамажон» ҳазил қўшиғингизда ўқитувчи билан ўқувчининг муносабатлари талқин қилинган. Умуман болалар қўшиқчилиги билан ҳам шуғулланиб яхши қиляпсиз.

А. Н. — «Мулла Мамажон»да ҳеч қанақа Амриқо кашф қилганим йўқ. Ҳазил-мутойибага, қочиримларга бой ўзбек лапарларини симфоник оркестр оҳангларида талқин қилдим холос. Аммо бу қўшиқнинг иккинчи жиҳати бор. Мактабларимиздаги тарбиявий соатларда бемалол уни ижро этса бўлади. Биз Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мактаблардаги мусиқа дарслари учун махсус кассеталар тайёрлаб беришни мўлжаллаган эдик. Мисол учун лентанинг бошига «Мулла Мамажон» қўшиғи ёзилади. Кейин шу қўшиқнинг мусиқаси овозсиз алоҳида ёзилади. Синфдаги болалар энди ижро этувчи бўлиб қатнашадилар. Бошқа болаларбоп қўшиқлар ҳам шу таҳлит ёзиб касета тўлдирилади. Шу усул билан мусиқавий таълимнинг тезкор усулига ўтиш мумкин бўлар эди. Бунга мувофиқ махсус дастур тузганмиз. Қўшиқларни тайлаб қўйибмиз. Барча харажатларни зиммасига оладиган бир мард топилди, дегунча бу ишни охирига ўтказамиз. Мустақил Ўзбекистон болалари қўшиқсевар бўлиб ўсишса, бунинг нимаси ёмон?

Ж. — Олтмишга яқин қўшиқ яратгансиз. Муқимий номли театрда қўйилган «Шум боланинг янги саргузаштлари» ва республика сатира театрида қўйилган «Гап эгасини топади» комедияларининг мусиқаларини Сиз ижод қилгансиз. Кимсан бастакор Анор Назаров! Қалай, яхши жаранглайдими!

А. Н. — Журналист халқи ҳам ғиж-ғиж жумбоқ бўлар эканда. Баъзи «дўстларим»га ўхшаб қайси уюшмага аъзосиз, деб ҳужжатимни текширмоқчи бўлсангиз, очиғини айтиб қўяй, ҳеч қайси уюшмага аъзо эмасман. Партиясизман. Сиз ўйлаётгандек, қўшиқ ёзавериб бойиб ҳам кетганим йўқ. Аввалари бир қўшиққа юз сўм қалам ҳақи беришар эди. Ҳозир ошган — бир минг 200 сўм. 12 минг сўм ойлик оламан. Етади. Бошқа сабаб ҳам бор. Билсангиз, ўзига ишонган одамнинг кўнгли бутун, кўзи тўқ бўлади. Мен ўзимга жуда ишонаман.

Ж. — Тўйларга ҳам чиқиб турасизми!

А. Н. — Дирижёр Анор Назаров билан тўй ўтказиш энди удумга кирса керак. Оркестрни катта тадбирларга таклиф қилиб туришади. Аммо тўй халқ ичига юришнинг энг тезкор, қулай ва харажатталаб қилмайдиган усули. Айни пайтда ниятларни пул билан қувватлашнинг энг яхши йўлидир.

Ж. — Энг катта орзуингиз!..

А. Н. — Тўрт йилдан бери Абдулла Ориповнинг «Қўйгил у кунларни эслатма менга» шеърига оҳанг излайман. Ҳеч тутқич бермайди. Уни топган куним катта байрамга айланса керак.

Ж. — Қуёш чиққандан қуёш ботгунча, то оқшом оққунча қўшиқ билан инсонларга яхшилик тилайсиз, ҳоҳ етим болалар тилида «Меҳрингизга ташнаман» деб индо қиласиз, ҳоҳ сўфиёна оҳанглар билан бу дунё ўткинчидир, шайтоний қилиқларингдан тезроқ фориғ бўл, эй инсон, сендан фақат «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» деб бонг урасиз. Бу қўшиқларнинг замирида жиловланган исён бор. Агар бу исён қўйиб юборилса, суҳбатимизнинг бошида эслатганимдек авж парда лар га чиқиб кетса, халқнинг кўтарилиб кетишидан қўрқмайсизми!

А. Н. — Чор Россиясининг бир ярим асрлик мустамлакачилик сиёсати мазлум халқларнинг ўзлигини унутишга, ўзбекларни миллат сифатида йўқ қилиб, қўшиб юборишга қаратилган эди. Бежизгамас-да, тарихчиларимиз тўтига ўхшаб, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши, деб ўргатишар эди. Аммо буюк миллатлар, ўзбек халқи ҳам ўзлигини сақлаб қолди. Инсоний меҳр-мурувват, мусулмонча сабр-қаноат, она тупроққа буюк эътиқод не-не қирғинбаротлардан, очарчиликлардан, қувди-қувдилардан халқимизни омон олиб ўтди. Бироқ, кейинги ўн йилликларда бу умуминсоний қадриятларимиз дарз кетгандай туюлади менга. Фикримни далиллаш учун кўп мисол келтириб ўтирмайман.

Ж. — Ниятингиз қўлласин.

А. Н. — Раҳмат.

Суҳбатдош журналист Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ.

* * *

СУРАТДА: Анор Назаров (ўртада)

Муҳаммад АМИН сурати

Анор НАЗАРОВ 1950 йилда туғилган. Уч-тўрт ёшларида Паркентнинг Намданагидан Бўка туманидаги Ильич номли жамоа хўжалигига кўчиб келган. Дастлаб ертўлада яшаганларини яхши эслайди. Отаси шу колхозни тузишга бош-қош бўлган. Бу йил ёзда 80 ёшини нишонламоқчи. Ҳануз боғбонлик қиладилар. Акаси, опаси, синглиси ва 5 укаси бор. Ҳаммаси уйли-жойли. Хотини мусиқа ўқитувчиси. Иккита ўғли бор. А. Назаров махсус мусиқа интернати ва Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олган. 19 йил Алишер Навойи номли Давлат Академик Катта театр оркестрида ишлади. Уч йилдан ошиб қолди, конкурс танлови билан Республика телерадиокомпаниясининг эстрада симфоник оркестрида бадиий раҳбар ва бош дирижёр.



Ҳунармандчилик — инсон эҳтиёжи. У асрлар қаъридан бизга мерос. Ҳунармандлар, қўли гул усталар ясаган буюм мингта машинада ишлаб чиқарилган мингта маҳсулотдан пишиқ ва сифатли бўлишини инкор қилиб бўлмайди.

Бухородаги «Кондакор» устахонасидан ҳунармандлар қўлидан чиқаётган 50 турдан ортиқ маҳсулотга (лаган, гулдон, қизлар учун безаклар...) шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳлар, меҳмонлар ва шу ерлик аҳоли ўртасида эҳтиёж катта.

«Кондакор»да, 28 та ҳунарманд ижод қилади. Устахона уста Салим Ҳамидов ташаббуси билан фаолият бошлаган. Маҳсулотлари АҚШ, Олмония, Булғория, Руминиядаги халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланган.

СУРАТЛАРДА: уста Раҳматулло Қўлиев касб сирларини шогирди Маҳбуба Жалиловага ўргатмоқда; ўз маҳсулотларини кўз-кўз қилиш ғаштли.

Ш. ШАРОПОВ суратлари (ЎзА).

ПИЛЛА ТЕРИШ БОШЛАНДИ

Тошлоқ туманидаги «Заркент» жамоа хўжалиги пиллакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб пилла теримини бошлаб юборди. Хўжаликнинг Қашқар қишлоғидан Умурча Маматова ва Қориёхон Ҳамидова сингари тажрибали пиллакорлар ҳар қути уруғдан 70—90 килограмм пилла топширди. Бу йил туманда 958 қути ипак қурти боқиляпти.

Шунингдек, Бухоро туманидаги «Бухоро» ипакчилик давлат хўжалиги пиллакори Азима Акбарова ҳам вилоятда биринчилар қатори қабул пунктига олий нав хом ашё топширди.

ЗОТДОР ҚУРКА ОЧИРИЛМОҚДА

Чимён паррандачилик бирлашмасида Америкининг «Чик мастер» фирмасида тайёрланган инкубатор ишга тушди. Унинг ёрдамида ҳар уч кунда 8 мингтадан кўпроқ курка очирилади. Ортиқча маҳсулот бошқа турдош фермаларга сотилади. Бу ерда Исроилдан келтирилган «Оқ ҳайбрит» зотли курка етиштирилмоқда. Бу паррранда тез семиради, унга кам озуқа сарфланади.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ДАСТУРИ АМАЛДА

Самарқандлик бир гуруҳ ишбилармонлар Хитой сафаридан қайтиб келди. Улар Пекин, Сиян ва Ханьгжун шаҳарларида бўлиб, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, бир қанча қўшма корхоналар очиш тўғрисида аҳдлашди. Самарқандда сигарет ва тикувчилик маҳсулотлари чиқарадиган корхоналар очилади. Хитой халқ табобати маркази ташкил этилади.

«ТАРБИЯ»ЛИ БЎЛИНГ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон педагогика жамиятининг таъсислигида нашр этилувчи «Маърифат» газетасининг илк иловаси сотувга чиқди. У «Тарбия» деган ном олган.

Ушбу газета ўқитувчилару ўқувчилар, мактаб, халқ таълими соҳаларидаги ўзгаришларни чуқурроқ ёритади. Унинг илк сонида «Мактаб дуру гавҳар сочур», «Айланай, Она ер», «Бир ўлкаки...», «Меҳнат қилган элда азиз», «Мўътабардир бу улуғ замин» каби ойнасўзлар остида муштарийлар қизиқарли мақолалар ўқишлари мумкин. Илованинг сўнгги — саккизинчи бети эса мактаб ҳаёти латифаларига ҳамда бошқотирмаларга тўла.

«МИЛТА»НИ ҚУЛГА КИРИТИШДИ

Хоразм вилояти клиника шифохонаси ўта замонавий ускунага эга бўлди. Россиядан келтирилган бу ускуна МИЛТА—магнитоинфрақизил лазер терапевт аппаратидир. У шифохонанинг гастроэнтерологик бўлимида жигар, сафро ҳайдайдиган йўллардаги касалликлар, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси билан оғриган беморларнинг дардини енгиллатишда қўлланилади.

Бу замонавий тиббиёт ускунасининг энг эўр хусусияти шуки, у беморларнинг дорига бўлган эҳтиёжини камайтиради. Яъни, бу қимматбаҳо дастгоҳ хужайралар фаолиятини ошириб, ошқозон-ичак йўлларидаги хасталикларни тўғридан-тўғри даволай олади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти замонасида, тиббий дориларнинг эҳтиёжнинг атиги ўттиз фоизини ҳам қоплай олмаётган даврда бу турдаги ускунанинг қиймати неча баробар ошади.

(Ўз мухбиримиз).

«СЕНИ СОҒИНАМАН, БОЛАЛИК!»

...Тутлар баргак чиқариб, баҳорнинг илиқ кунлари бошланиши билан кўнглимни қандайдир ташвишли соғинч ҳиссси чулғаб оларди. Бу кунларни интиқ кутардим, яхши кўрардим. Чунки ҳар йили ана шу дамлар бошланиши билан отам ғалвирга солиб чумолидек вижирлаб ётган ипак қурти уруғларини олиб келардилар. Уларнинг соат сайин жонланиб, оқариб боришини кузатиш менинг учун мўъжизанинг ўзгинаси эди. Яна шунинг учун ҳам бу лаҳзаларни интизор кутардимки, қурт баҳона ҳар куни қўйи-қўшнилар бизникига йиғилишарди. Гурунг авжига чиқар, суҳбат мавзуи қишлоқ ҳаётидан бошланиб, «замондаги ўзгаришлар» гача бориб етарди. Мен айниқса, раҳматлик Жанғил момонинг лапарларини тинглаганимда ҳушдан кетардим.

— Момо, момонинг тил эмас, юраги куйларди гўё:

...Кундош чақир тиканак,
Ёстиғимга қадалдинг.
Мен ўлай ёр ҳоҳламай,
Гулимга чангал солдинг...
О, болам, оҳим болам,
Таннигда менинг ярам
Кўр бўлсам қани эди
Сен бўлмай менга қарам...

Момонинг қўли ишда, қўшиқ айтиб кўнглини бўшатарди. Балки шунинг учун ҳам давраларни соғинарди. Дийдор ғанимат эди момога. Билардим, момонинг ақли заиф қизи бор эди. Айтишларича кундоши қуйганидан қизалоқнинг бошига уриб уни шу кўйга солиб қўйган экан...

Ғарам-ғарам барглар гапу гаштак билан бир лаҳзада ғамланарди. Мен у кунларни соғиниб кутардим.

— Юз-қўлингни ювмай, қуртхонага қадам босма, — деб тайинлардилар аммам. Шунақанги покиза, шунақанги оқила аммам борки... Доим кўзларида армон яширин юради аммамнинг. Кулганидаям, юрганидаям, азадаям, тўйдаям... Биттагина тирноққа зор ўтган аммам... Доимо сиз ҳақингизда нимадир ёзмоқчи бўламану ёзиш қолиб йиғига тутинаман. Сабрдан сизга ҳайкал қўйолсам қани?! Қишлоқнинг қайвонисию ўзи кул бўлиб, ўчоқларга ўт бўлган аммам! Гоҳо тонглар сизнинг овозингиздан уйғониб кетардим.

— Қурт тўйиши учун кечалари ҳам бардан қолмаслиги керак, емишини сийрак-сийрак, тез-тез беринг келин. Шунда жониворлар бир текис, катта-кичик бўлмай етилади. Шунда пилла ҳақиқий пилла бўлади-да! Аммажон! Аламини меҳнатдан олган аммам! Юрагингизни нелар ўрташини билмасдим ўша кезлар. Шунинг учун ҳам «Ойбуви, катта бўлсанг, мен ҳақимда шеър-ми, ишқилиб бирор нарса ёзасанда. Умрим сабр бўлиб ўтаяпти қизим...» деганингизда ажабланардим. Тушуниб-тушунмай рози бўлардим. Бугун эса бус-бутун қисматингизни билганимдан сиз ҳақингизда ёзиш учун қўлимга қалам олсам, юрагим тўкилиб кетади. Сизнинг тоғдайин қаноатингиз, менман деган жонолларга кўз-кўз қилгулик аёллик малоҳатингизни сўзларга жо этолмайди. Ҳар доим аммажон!.. Ҳар йили албатта иккиуч қути ипак қурти боқардингиз. Зиҳматларингиздан ортиб яна қишлоқнинг қуртчиларига бош бўлардингиз. Қурт нечанчи уйқусида қандай бўлади, қачон тозалаш, қачон шамоллатиш... ҳатто қайси ёшдаги дарахтнинг қайси новдаларидан кесиб беришгача... Ў-ҳў сизнинг билганларингиз неча-неча илмий рисолаларга жо бўлади-я?! Сиз қишлоқликлар тушунадиган, қила оладиган йўсинда битилмаган назарий китоб ёзгандингиз. Буни қишлоқдошларингиз ўқимасалар-да, уққандилар. Энди эсласам, шу боис ҳам пиллачилик агрономлари сизни эргаштириб уйма-ўй юришаркан. Қойил дейман, сизга тан берган агрономларга! Кўп ўйлайман, ҳозир ҳам менинг аммамдек бағри қон бўлиб, ўзгаларнинг бағрини тўлдириш учун жонҳалак аммалар бормикан?!

Онажоним, жуда кўп йиллар пилла тутдингиз. Туғруқхонадан кела солиб қуртхонага кирган, пиллахонадан чиқиб кўзингиз ёриғи кезлар ҳам бўлди. Лекин бирор марта нолиганингизни эшитмадим. Ҳаммамиз бир уйда бешиккинг атрофида қисилишиб ётган дамларимиз ҳам «жойим тор, қурт олмайман» демабсиз-а!

— Қурт келса, барака келади, — дердингиз. — Кучқувватни эса худо беради. Қаноатидан умрига тахт ясаган онажоним, сизни ҳаётнинг паст-баландида қўллаган яратганга шукр.

Улғайганим сари қурт боқиш ташвишларига шерик бўла бордим. Тунлари оғилхоналарга чироқ ёруғида барг солардик, шам ёқиб тўкилган қуртларни терардик. Гоҳо уйқум қочиб кетиб, қуртхонада ёдлолмаган шеъримни такрорлардим, математикадан ҳисоб-китобга тушардим:

Менинг икки онам бор иккиси ҳам меҳрибон.. кейинчи эна...

Саккиз карра тўққиз неччийди эна..

Эртасига албатта «беш» олишим керак эди-да. Бўлмаса отам хўнгил хижиллик билан «тирикчилик...» дея хўрсинган қўярдилар. Отамнинг ўкинчли сўзларини эшитишдан кўра, уйқусизликни, танаффусларда мўкка тушиб дарс қилишни афзал кўрардим...

Нимагадир муаллимамиз тез-тез «қуртларинг ухладими?», «Қачон бостирасизлар?» деб сўраб турарди. Энди англасам, ўқитувчим афти-ангоримдан толиққанимни, уйқуга тўймаганимни сезиб турарканлар. Шунинг учун ҳам аяр канлар. Баъзан бўшроқ жавоб берсам ҳам «аъло» қўярканлар. Мактабдаги юмушлардан, меҳнат дарсларидан мени озод қилиб юборарканлар. Фотима опам билардилар: мен барг тозалаб шеър ёдлайман, барг ташиб математикани бажараман... Эҳ, менинг борлиғимни кашф этган муаллимам! Сизни соғинаман. Дунё муаллимларини сизга ўхшашини жуда-жуда хоҳлайман

Қурт пиллага ўтириб, шувоқ бостирганимиздан сўнг нарсасини йўқотиб қўйган одамдек бўм-бўш бўлиб қолардим. Аммо энг қувончли кун олдинда эди...

...Саҳар туриб мактабга югурардим. Ҳар доимгидек Фотима опам ҳам ҳаммадан олдин синфда ўтирган бўлардилар. «Маллим биз бугун пилла терамиз. Синфимиз бизникига бора қолсин...»

— Мушоирагаям тайёрланасизларми? — сўрарди Фотима опа кулиб.

— Ҳа, ҳаммасини қиламиз. Фақат синф бизникига борсин... Мисол ҳам, Иноб ҳам, Манзураям...

Албатта синфимиз бизникига борарди. Жинғил момоям, аммам ҳам, Фотима опам ҳам... Катта қозонда ош дамланарди. Пиллага келолмаган кўни-қўшниларга ҳам онам ош узаттириб юборардилар... Биз пилла чоши атрофида ўтирганча мушоирага тайёрланардик: топқирлик, билағонлик ўйинларини ўйнардик: Мисол қўшиқ айтарди. Маҳбуб билан Гулнор ўйнарди. Иноб бошловчи, Азамат команда капитани. Мен эса кечанинг бошдан оёқ тартибини айтиб турардим. Қўни-қўшнилар энг одил ҳакам! Оҳ, қани энди яна бир синф бўлиб пиллага борсак. Барибир машаққати бир жаҳон бўлсаям ипак қурти боқиш мароқли, хосиятли эди...

...Тутлар баргак чиқараяпти. Сени соғинаман, болалик!..

Ойбуви ОЧИЛОВА,
Навоий шаҳри.



ГЎДАКЛАРНИНГ КАМОЛИ ДЕЯ...

Ота-боболаримизнинг «Авлоди соғ-саломат, барқамол юртнинг бахти бутун, келажаги порлоқ бўлади» деган доно гапларининг бугунга келиб аҳамияти янада ортди. Авлоднинг соғлиғи, наслнинг софлигини таъминловчи бирдан-бир омил она сутидир. Сутнинг аҳамияти шунчалик улканки, у нафақат вужудни озиқлантиради, балки гўдак руҳининг шаклланишида, онада мавжуд бўлган барча хусусиятларни қабул қилиб олинишида ўз кучини, ўз қудратини кўрсатади.

1993 йилнинг Ўзбекистонда «Гўдакларни она сути билан боқиш» йили деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Давлатимиз томонидан кўрилаётган бундай меҳрибонлик тадбирлари тиббиёт ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Яқинда шу муносабат билан Тошкент шаҳар Саломатлик марказида туманлараро тиббиёт ходимларининг «Она сути билан боқиш» деб аталмиш кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўпинча аёллар қоматим бузилмасин, деган ниятда боласини эмизмаяпти, дея таъна қилишади. Бундай ўйлаб қарасак, бунга балким замоннинг ўзи, шароит мажбур қилаётгандир. Эмизикли чақалоқни ташлаб ишга борганда орада шишада овқат берилади. Шу зайл бола осон овқатланишга ўрганади. Ёҳуд бир йилгагина берилган декрет отпускаси тугашидан олдин она ўн бир ойлик боласини боғчага ўргатиши лозим. Турган гапки, эмизикли болани боғчада турли хил овқатлар билан боқишга тўғри келди.

Хайриятки, ҳукуматимиз оналар ва болалар учун яхши шароитлар яратиб бермоқда. Уч йил уйда ўтириб фарзандини оёққа турғазиб, сўнг иш фаолиятини кўнгли тўқ ҳолда давом эттириш бизнинг авлод оналари учун орзу эди.

«Она сути билан боқиш» конкурсида тиббиёт ходимларининг бадиий эстетик, саводхонлик билими, улар чиқарган деворий газеталарнинг савияси ҳам яхши баҳоланди. Бунда тиббиёт ҳамширалари, шифокорлар ўзларининг касбларидан келиб чиқиб, она сутининг афзалликларини мисоллар орқали кўрсатиб беришди. Шу нарсани яна алоҳида таъкидлаш керакки, қатнашчилар саҳна чиқишларидан ташқари ўзлари ижод қилган шеърларидан намуналар ҳам ўқиб беришди.

Кўрикда Шайҳонтоҳур туманидаги 2-болалар юқумли касалликлари шифохонаси тиббиёт ходимлари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўринни Яккасарой туманидаги 6-болалар шифохонаси, Шайхонтоҳур тумани 21-катталар поликлиникаси ва Собир Раҳимов тумани 2-туғруқхона ходимлари, учинчи ўринни эса Акмал Икромов туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари олишди. Қолган қатнашчиларга ҳам эсдалик совғалари тақдим этилди.

М. ОБИДОВА.

Маълумки, шу йилнинг сентябрь ойида Шарқнинг буюк мутафаккири Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллиги нишонланади. Бу муборак санага муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳар бири 25 миллион сўмдан маблағ ажратган.

Юбилей муносабати билан Бухородаги Баҳоуддин Нақшбандий ёдгорлик комплексини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари бошланган эди. Ҳозиргача 25 миллион сўмлик ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бажарилди. Вилоятнинг ўндан ортиқ қурилиш ташкилотлари бу савобли ишни амалга оширишда иштирок этмоқдалар.

СУРАТДА: Баҳоуддин Нақшбандий ёдгорлик комплексининг шу кунги кўринши.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзА).

Адолат қиличи кескир

«ҚИМИРЛАМАНГЛАР, ЕР ТИШЛАТАМАН!..»

Воқеа тўсатдан содир бўлди, ердан чиқдими, осмондан тушдими. Термиз шаҳридаги 68-уйнинг 39-хонасига қуролланган автоматчилар бостириб киришди.

Уйдагиларнинг ранги оппоқ бўлиб кетган, қўрқанидан қалтирашарди.

— Қимирламанглар, ер тишлатаман!..

Булар ким, арвоҳмикин? Юзига ниқоб кийган кимсаларнинг асл башараси қандайлигини билиб бўлмас эди.

Уйда ўтирганлар серраийб, тошдек қотиб қолишди.

«Калашников» автоматини кўтариб олган Ли Юрий, шериги Ким Юрийлар бўлса уй эгаси Цой Аркадий ва унинг оила аъзолари довдираб қолишганлигидан фойдаланиб, ҳаммаёқни тинтиб чиқдилар.

Хонадондагилар бўлса... босқинчиларнинг хатти-ҳаракатини фақат кузатиб туришдан ўзга чора топа олмадилар.

Ниқоб кийганлар Японияда ишлаб чиқарилган «Шарп» видеомагнитофони, 4 дона тилла узукни, 9000 сўм пулни ва бошқа буюмларни олишди. Яна автоматига имо қилиб, уйдагиларнинг юрагига ғулғула солишди-да, кўздан ғойиб бўлдилар.

Аркадий Цой ҳамда бошқа оила аъзолари бўлса чақирилмаган «меҳмонлар»ни тушида кўрдими, ўнгидами, билолмай, ҳангу-манг бўлиб қолишди. Катта ўлжадан маст бўлган икки босқинчи бир пасда кўздан ғойиб бўлдилар...

Босқинчиларнинг кайфи чоғ эди. Қўлида «Калашников» автомати бўлса, нимадан қўрқишади? «Овни яна давом эттирсам-чи?» Юрий Лининг кўзлари ўйнаб кетди. «Яна бир-иккитасини қўрқитиб, кўп мол-дунёга эга бўлиб олсаммикин?»

Уларни бирор киши излаб тополмаганидан фойдаланган босқинчилар яна ғимирлаб қолишди. Айниқса, Юрий Лининг иштаҳаси жуда очилиб кетган, важоҳатидан от ҳуркадигандек эди. Яна кимнингдир шўрини қуритиш учун кўчага отилиб чиқди. Ўйлаб-нетиб ўтирмасдан Қизил Шарқ кўчасидаги 53-уй остонасига худди ўз хонадонига кираётгандек эмин-эркин оёқ босди. Гўё ўлжа пойлагандек атрофга аланглар экан, хавф-хатар йўқлигидан кўнгли таскин топди.

Қўлида автомати бор босқинчини кўриб уйдагиларнинг ўтакаси ёрилаёзди. Улар қимир этмай, қотиб қолишди. Хонадон эгаси Комил Ҳамроев ҳам босқинчининг дағдағасига сўзсиз бўйсунишдан ўзга чора тополмай, жимгина тураверди.

Ҳатто қутурган босқинчи ўзининг кимлигини, нималарга қодирлигини ўзгаларга намойиш қилиш учун автоматидан осмонга ўқ узди.

Бундан талвасага тушган уйдагилар шер олдидаги қуёнлар каби қўрқиб ғинг деёлмай қолишди. Қулай фурсатдан фойдаланган босқинчи эса 50 минг сўмни олди-да, қорасини ҳам кўрсатмай жўнаб қолди.

Ови бароридан келиб, ўлжалик бўлган талончилар машина излаш пайига тушдилар. Шундан сўнг Ким Альбертнинг машинасида қайдасан, Қашқадарё дея қуён бўлиш чорасини кўра бошлашди.

Босқинчилар ҳам олисга қочиб кета олмадилар. Деҳқонобод туманидаги давлат автомобиль назорати постида уларни бир неча киши пойлаб туришар эди. Бепарво, кайфи чоғ бўлиб келаётган босқинчилар давлат автомобиль назорати постидаги ваколатли кишиларнинг тузоғига илиниб қолишди. Дарҳол Ким Альбертнинг машинаси тинтув қилинди. Автомашинанинг орқа ўриндиғи тагида эса... босқинчиларнинг суянчиғи бўлган «Калашников» автомати турган экан. 29 дона ўқ ҳам шу қурол билан бирга топилди.

Ким Альберт босқинчиларга бекорга ҳамтовоқ эмас экан. Унинг чўнтагидан гугурт қутисида 4,1 грамм гиёвандлик моддаси борлиги аён бўлди. Бунинг устига у ҳар қандай қаршиликларга тайёр ҳолда юрган. Альбертнинг машинасидан пичоқ топилганлиги шундан далолат берди. Босқинчилар кимлар, «Калашников» автомати гугурт эмаски, ҳар қандай дўконда сотилаверса — уни қаердан ўмаришган, деб ўйлармиз. Терговчи Алишер Ражабов бу саволларга аниқлик киритди: Ли Юрий билан Ким Юрийлар Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги Ш. Руставели кўчасида, 22-уйда яшашар экан. Ли Юрий Тошкент—Душанбе поездида кетаётганида «Калашников» автоматини номаълум шахсдан етмиш минг сўмга сотиб олган эмиш...

Шундан сўнг улар автоматни Ким Эдикнинг уйида диваннинг остида сақлаб келишган. Ва совуқ жанговар қуролнинг қудрати қанчалик даҳшатли эканлигини «синаш» учун хонадонларда «овда» бўлганлар.

АРОҚ ЗАВОДИДАГИ ҚАЛЛОБЛИКЛАР

«Э, Абдуҳалим, энди пичоғинг мой устида, мана ишнинг хўрозини топдинг! Ҳозир ким кўп-ароқ ичувчи кўп.

Абдуҳалим Абдураҳмонов шишаларни қўлга олиб, айлантириб кўрар экан, хаёлга эрк бермай, кўпроқ амалий иш қилиш кераклигини ўйлади. Ўйладию, шаҳдам қадамлар билан ароқ қуйиш цехи бўйлаб юра бошлади. «Буларнику, бир амалладик. Энди ҳамма гап сирни бой бермасликда. Агар сезиб қолишса, неча-неча минг литр ароқ ўмарилаётганлиги ошкор бўлади, кейин бўлса, тамом-вассалом... У кўйлагининг ёқасига тупуриб қўйди. Э, нимадан ҳам қўрқаман, дегандек яна ҳамишагидек ишида давом этаверди.

Иши эса.. хуржун эди, сал-пал ғирромликка ўхшаш бир нарса аралашган эди, холос. Аслида эса... Ҳаммаси зўр кетаётганди, биров ҳидини ҳам билмаётган, сезганлар -эса пусиб юришганди. Агар сариосиёлик дўкон мудири Қурбонмурод Элмуродов олган ароқлар текширилмаганида...

Абдуҳалим Абдураҳмоновнинг мансаби ёмон эмас, Денов ароқ заводида цех бошлиғи. Унинг ўйлашича, ишлаб чиқариш деганлари бир ўпқондек нарса экан. Миллион-миллион деган нарсалар денгиздан томчи каби билинмай-нетмай кетади, деярли ҳеч ким хабар ҳам топмай қолади!

Қуйидаги далилларга бир эътиборни қаратинг: Абдуҳалим Абдураҳмонов ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб ошиқча ароқларни Қурбонмурод Элмуродовга 12 минг сўмга сотган пайти ушланди. Гап бунда ҳам эмас. Энг даҳшатлиси, бошқа тарафда. У бошлиқ цехда тайёрланган ароқларнинг ҳар бир шишасига 45 граммдан кам қуйилган. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, шундай қаллоблик билан мабодо ўн минг шиша ароқ тайёрланган бўлса неча миллион сўм ҳосил бўлади. У кимнинг чўнтагига бориб тушади? Оқибатда... тома-тома кўл бўлур, деганлари каби бир миллион етти юз минг сўмлик ароқ мижозлар ҳақидан юлиб қолинган!

Бундан ташқари тафтиш давомида цехда минглаб ароқ шишаси қопқоқлари, минглаб этикеткалар (ёрлиқлар) камомади борлиги ошкор бўлди.

Қисқаси, ароқ заводидаги қаллобликларга нуқта қўйиш йўлида дастлабки қадам ташланди. Кошки энди вилоятдаги савдо ташкилотлари дўконлари пештахталарида ароқ тўла шишалар кўпайиб қолса...

Бу қаллоблик, ўғирликлар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов олиб борган Жума Бердишукуров жонбозлик кўрсатмаганида, вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий соҳадаги жиноятчиликка қарши кураш бўлими бўлишлиғи Холбўта Эргашев) ходимлари елиб-югурмаганларида бу қаллоблик — ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолиб кетаверар эди-да...

ШАЙТОННИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

Шайтон деганлари ростдан ҳам номига муносиб экан. Акс ҳолда Татьяна Сорокинадек кўринишидан қўй оғзидан чўп олмайдиган кишини ҳам... Шайтон деганларини кўпинча эртаклар орқали билар эдик. Замонанинг зайлини қарангки, аслида шу ҳам реал, бор нарса эканлиги эмиш... Ишонмайсизми? Марҳамат қилиб, Татьянадан сўрай қолинг. Ҳатто қасам ичиб айтиши мумкинки, шайтон кўзга кўринмаса ҳам, ҳатто у билан бемалол чақчақлашиб гурунглашиш мумкин эмиш...

Татьяна Сорокина биноийдек Термиз гўшт комбинатида ҳисоб соққаларини қоқиб, кўз очиб юмгунча юзталик, мингталик пулларни шарақ-шуруқ қилиб санаб юрган эди. Лекин бир куни... кўзига шайтон кўриниб кетса бўладими! «Ҳа, нима қилиб юрибсиз, гўшт комбинатига ташрифдан муродмақсадингизни билсак бўладими?» Татьяна қизиқсиниб, савол устига саволни ёғдира кетди. «Опа, сиз билан бир келишиб олайлик, сизга шу кассирликнинг пули ҳам етиб-ортади. Менинг насиҳатимни олинг. Бошқа ортиқча қаллобликларни қўя туринг, буёғи замон нозик» деди. Ҳар доим ёмон йўлга бошлайдиган шайтон бу гал мардлиги тутиб кетиб. — Майли сиз истаганча бўла қолсин, — деди Татьяна худо ҳатто шайтонга ҳам инсофдан сал-пал берганлигидан ҳайрати ошиб. — Гапим-гап, агар бирорта қаллоблик қилсам, Татьяна отимни...

Аммо, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Татьяна Сорокина деганлари қасамни бузди: гўшт комбинатида бош ҳисобчининг ўринбосари Нормурод Болтаев билан ишонч қоғозларини қалбакилаштириш йўлига ўтишди. Ҳатто вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг «Тибтаъминот» базаси омбор мудири Абдуғаффор Арбобов билан тил бириктиришди... Терговчи Шерали Баҳромовнинг айтишича, учовлоннинг каромати шу бўлдики, 409 минг 690 сўмни ўзлаштириб қўя қолишди.

Ҳа, ҳозир устамонлар кўпайиб кетишяпти, ҳатто шайтонни ҳам кўзини чирт юмиб алдайдиганлар, доғда қолдирадиганлар йўқ эмас экан... Ишқилиб, худо шундай кимсалардан ўзи асрасин.

Эркин ҚОДИРОВ,
Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини, милиция подполковниги.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

ҲАРОМДАН ҲАЗАР ҚИЛМАЙ...

КЕЧА БУТУН ЎРТАДА

● **АРМАНИСТОНДА** комсомол қайта тикланди. Шу муносабат билан Ереванда таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Биринчи котибликка «Арменфильм» киностудиясининг инженери Роберт Агароян сайланди.

Республика пионер ташкилотини қайта тиклаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

● **КОРЕЯ** Халқ Демократик Республикаси Англия билан Францияни ядро қуролини яратишда Япония билан Жанубий Кореяга ёрдам беришда айблади. Шимолий Корея ташқи ишлар вазирлигининг вакили ЦТАК агентлиги мухбирининг саволларига жавоб қайтариб, сўнгги вақтда Лондон билан Париж Токнога кўп миқдорда плутоний сотгани, энди эса Сеулга плутоний сотмоқчи бўлганини кўрсатувчи фактлар тобора кўпроқ пайдо бўлаётганини таъкидлади.

● **РОССИЯ** Федерацияси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Шумейко АҚШ ва Кубага қисқа муддатли ташрифини тугаллаб, Москвага қайтиб келди. АҚШ раҳбарлари билан музокара чоғида Россиядаги ички вазият ҳамда МДҲ бошқа мамлакатларидаги сиёсий, иқтисодий ва ўзга соҳалардаги муаммолар хусусида ҳамжиҳатликка эришилди. В. Шумейко Гаванада Россия билан Кубанинг иқтисодий ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилди.

● **УКРАИНА** чегарасидан ташқарига чиқадиган барча поездлардаги йўловчилар эндиликда божхона кўригидан ўтишлари шарт. Украина телевиденеси Украина темир йўл бошқармасидан олган хабарга асосланиб шуни маълум қилди.

● **СССР**нинг собиқ президенти Михаил Горбачев Нидерландия Бош вазири Рудольф Люббершинг таклифига биноан якшанба куни Гаагага келди. Горбачев халқаро яшил ҳоч ташкилотининг ранси сифатида шу ташкилотнинг қарорғоҳини очиш маросимида иштирок этади.

Келгуси сонда:

● ИККИ ҚАРРА ИККИ... БЕШ

● «ТАНОВАР» СОҒИНЧИ

Газета саҳифаланаётганда:

ФИРИБГАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Қиргули туман прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ходимлари устаси фаранг фирибгарни қўлга олди. У 1970 йилда туғилган Ҳотамжон Нуриддинов бўлиб, Фарғона Давлат университетининг юридик факультетида сиртдан таҳсил олар экан. Айни вақтда «Фарғонаазот» бирлашмасида иқтисодчи бўлиб ишлаб, соддадил кимсаларни лақиллатиб келаётган экан. Масалан, Анвар Йўлдошевга телевизор ваъда қилиб, салкам 20 минг сўм пул олган. Акром Йўлдошевни автомашина олиб бераман деб 131 минг сўмга, Усмон Абдутолиповни эса шакар топиб бериш баҳонасида 7 минг сўмга туширган. Алишер Худойбердиевни эса «Опамнинг «Москвичи»ни олиб бераман» деб 203 минг сўмини сув қилиб юборган. Рустам Маманазаровни автомашина олди-сотдисига аралаштириб, 120 минг сўмини ҳамёнга урган. Бироқ бу пуллар фирибгарга буюрмади. Суд уни 6 йилга озодликдан маҳрум этди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси «Камалак» нашриёт-матбуот бирлашмаси Бош директори Мирзадаврон Мирпўлатовга укаси Мирзамавлон МИРПЎЛАТОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ *(масъул котиб)*, С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ *ва* "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—232. 64562 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 23.45 да